
“Саховат ва кўмак”: туманимиздаги яна бир тадбиркор аёл хайрия ташаббусини кўрсатди

“Саховат ва кўмак” умумхалқ харакати доирасида туманимиздаги яна бир тадбиркор аёл меҳр-оқибат намунасини кўрсатди.

Якка тартибдаги хусусий тадбиркор Эркабоева Шахнозахон Тошматовна карантин даврида эҳтиёжманд оилаларнинг қўллаб-қувватлаш мақсадида, рўзғорда зарур бўладиган шакар, қуруқ чой ва ош тузи каби озиқ-овқат маҳсулотларини тумандаги хайрия марказига етказиб берди.

- Синовли кунларда камхарж оилаларга учун кўрсатган мазкур хайрия ёрдамларимиз биринчиси ва охиригиси ҳам эмас, - дейди Шахнозахон Эркабоева. - Юртбошимиз илгари сурган ташаббус доирасидаги эзгу ишларимизни карантин сўнгигача давом эттиришга аҳд қилганмиз.

Эл бошига иш тушганда, кўксини қалқон, борини талқон қилиб, кўпга ризқ улашишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган бундай тадбиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, ташкилот ва корхона мутассадилари, бу ўткинчи синовлар қаршисида елкама-елка туриш маъсулиятидан ўзини четга олмайдиган фидойиларимиз туманимизда бисёр.

Улар ҳар бир ҳудудларимизда, маҳаллаларимизда қўли очиклиги, пок нияти билан саховат тадбирларини давом эттиришмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-04-23 23:30:02